ОПИСАНО

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг газетаси

ГАЗЕТА 1974 ИИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

23 ОКТЯБРЬ, 1982 ИИЛ, ШАНБА № 241 (2.647). Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — ОКТЯБРЬ БАЙРАМИГА!

22 октябргача республика тайёрлов пунктларига 4.590.588 тонна, шу жумладан 349.321 тонна қимматбаҳо ингичка толали пахта топширилди. Машиналар билан 2.386,424 тонна пахта терилди. Бир кунлик ўсиш 68,140 тоннани ташкил этди.

БУ ЙИЛ КУЗ БАРВАҚТ ТУШДИ. ОБ-ҲАВО ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИГА ТАШАББУСКОРЛИГИМИЗНИ, МАҲОРАТ ВА ШИЖОАТИМИЗНИ ҚАРШИ ҚЎЯЙЛИК. СУРЪАТ АСЛО ПАСАЙМАСИН, «ОҚ ОЛТИН» ЙИҒИМ-ТЕРИМИНИ ҲАР ҚАНДАЙ ОБ-ҲАВО ШАРОИТИДА ҲАМ ДАВОМ ЭТТИРАЙЛИК!

ҚҚАССР

Элликқалъа райони колхоз ва совхозлари давлатга 51 минг тонна «оқ олтин» топшириб, йиллик планни адо этдилар. Қўриқ ерларнинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил кўтарилди. Ялпи ҳосилнинг 90 процентдан ортиқроғи биринчи сортларга қабул қилинди.

Давлатга топширилган ҳосилнинг 70 проценти бункерлардан бўшатилди. «Москва», «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги», «Октябрь 60 йиллиги», «Элликқалъа», «Қирққиз» совхозларида 80—90 процент ҳосил машиналарда терилди. СССР Олий Советининг депутати Жамила Бекчонова («Москва» совхози), Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг депутати Дилором Ҳусаиновалар («Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» совхози) ўз агрегатлари бункеридан 500—700 тонна хом ашё тўқдилар.

СССР 60 йиллиги шарафига район чўлқуварлари ҳосилдорликни 40 центнерга кўтариб, ялпи ҳосилни 55 минг тоннага етказишга сўз бердилар.

* * *

Тўрткўл райони заршуносларни ҳам маррага етиб келдилар. Давлатга топширилган 49 минг тонна «оқ олтин»нинг 95 проценти биринчи сортларга қабул қилинди. Районнинг катта хирмонига йиллик планни 128 процент қилиб бажарган «Ленинизм» совхози, йиллик планни 114 процент бажарган «Ленин йўли» колхози заршуносларни муносиб ҳисса қўшдилар.

«Совет Ўзбекистони» колхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Матназар Машарипов, «Намуна» колхозидан Тўхта Еқубова бошлиқ бригаларда ҳосилдорлик 55—60 центнерни ташкил этди.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан район деҳқонлари яна 6 минг тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олдилар.

* * *

Беруний районидаги уч хўжалик — **«Ўзбекистон 40 йиллиги» совхози, «Правда» ва «Коммуна» колхозлари йиллик планни бажардилар.** Тайёрлов пунктларига тегишли равишда 6.200, 4.700 ва 2.800 тонна пахта топширилди.

Хоразм

Шовот райони пахтакорлари йиллик планни бажардилар. Эл хирмонига 48.000 тонна «оқ олтин» топширилди. Ҳосилдорлик 38 центнерни ташкил этди.

«Ленинград», «Москва», «Ўзбекистон», «Партия XIX съезди», Чкалов номли колхозларда ҳосилдорлик 40—42 центнерга етди. Киров номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ободон Дўстова, Чкалов номли колхознинг республикада хизмат кўрсатган механизатори Пўлат Маткаримов, «Ленинград» колхозининг Матниёз Бобожонов, «Партия XIX съезди» колхозининг Бозорбой Ҳусаинов бошлиқ бригадаларида ҳар гектар ердан 52—55 центнердан ҳосил кўтарилди.

Шонли юбилей шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдирган район меҳнаткашлари давлатга яна 6 минг тонна пахта топширишга сўз бердилар.

* * *

Янгибозор райони меҳнаткашлари ҳам ғалаба рапортига имзо чекдилар. Давлатга топширилган 35 минг тонна ҳосилнинг 20 минг тоннаси бункерлардан бўшатилди. Ҳосилдорлик 37 центнерга етди.

Республика партия, ҳукуматининг Мурожаатидан руҳланган район пахтакорлари ялпи хирмонни 40 минг тоннага етказишга аҳд-паймон қилдилар.

* * *

Урганч районидаги **Ленин номли, Қўшкўпир** районидаги **Калинин номли колхозлар дастлабки довондан ошдилар. Давлатга 4.900 тоннадан ҳосил топширилди.** Ғолиблар оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар.

Тошкент

Янгийўл райони меҳнаткашлари пахта тайёрлаш планини адо этдилар. Давлатга 32 минг тонна пахта топширилди. Шундан 21 минг тоннаси машиналар бункеридан бўшатилди. Бу ғалабага Ҳ. Турсунқулов номли, Ленин номли, «Коммунизм» колхозларининг меҳнаткашлари баракали ҳисса қўшдилар. Бу хўжаликларда эл хирмонига 4.800—4.400 тоннадан «оқ олтин» топширилди.

«Коммунизм» колхозидан Ҳайдар Аскаров ва Ғўра Душабоев, Ленин номли колхоздан Шермуҳаммад Далимов ва Жалил Абдутолипов бошлиқ бригадаларда ҳосилдорлик 40 центнерни ташкил этди.

СССРнинг 60 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида турган район деҳқонлари ялпи хирмонни 35 минг тоннага етказиш учун курашмоқдалар.

* * *

Бекобод райони меҳнаткашлари ҳам маррага етиб келдилар. Давлатга топширилган 65.600 тонна хом ашёнинг 75 проценти, яъни 49 минг тоннаси машиналарда терилди.

Район меҳнаткашлари 73 минг тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этишга ваъда бердилар.

Қашқадарё

Чироқчи райони меҳнаткашлари ингичка толали пахта топшириш йиллик планини бажардилар. Давлат чироқчиликлардан 1.000 тонна қимматбаҳо хом ашё қабул қилиб олди. Бу муваффақиятга «Партия XXIV съезди», «Коммуна», Ленин номли, «Москва» колхозларининг меҳнаткашлари катта ҳисса қўшдилар. Деҳқонлар яна 300 тонна ипак пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

* * *

Китоб районидаги **«Шарқ юлдузи», Охунбобоев номли,** Чироқчи районидаги **Ильич** номли колхозлар довон ошди. Эл хирмонига тегишли равишда 2.670, 1.230 ва 750 тонна «оқ олтин» топширилди.

Наманган

Областда бир хўжалик, 223 бригада ва звено социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда.

Тўрақўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхозидан **Аҳмаджон Шерматов** бошлиқ бригада 142 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариб, биринчи довондан ошди. Улар 47 центнерлик марра учун курашмоқдалар.

Наманган музика билим юртининг талабалари Задарё районидаги Навоий номли колхоз хирмонига 180 тонна «оқ олтин» билан улуш қўшдилар. Улар ҳар куни 9—10 тоннадан пахта термоқдалар.

Самарқанд

Каттақўрғон районидаги **Ленин номли колхоз маррага етди. Хирмонга топширилган 9 минг тонна ҳосилнинг 70 проценти машиналарда терилди.** Ҳосилдорлик 33,3 центнерни ташкил этди. Хўжалик деҳқонлари 45 центнерлик марра сари интилмоқдалар.

Нарпай районидаги Ленин номли колхоздан **Ҳадича Октанова 13 тонна пахта териб берди. У ҳар куни 200 килограммга** етказиб пахта термоқда.

Навоий

Қизилтепа районидаги «Ленинград» колхозининг **Мавжуда Шарипова бошлиқ бригадаси 60 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилмоқда.** Биринчи довондан ошилди: бригада аъзолари ҳар гектар ердан 37 центнердан ҳосил кўтариб йиллик планни адо этдилар.

Жиззах

Тошкент политехника институти геология-қидирув факультетининг студентлари Дўстлик районидаги Ленин номли совхоз далаларида фидокорлик кўрсатмоқдалар. 580 теримчининг ҳар бири кунига 57 килограммдан пахта термоқда.

Андижон

Балиқчи райони далаларида социалистик мусобақа қизғин тус олган. Бир ярим минг нафардан ортиқ теримчи ўз ҳисобига 10—15 тоннадан «оқ олтин» ёзди. «Правда» колхозидан Олияхон Султонова, «Пахтакор» колхозидан опа-сингил Шарофат ва Санобар Воҳидовалар кунига 200 килограмм ва ундан ҳам ошириб пахта термоқдалар.

Бухоро

Ғиждувон районидаги яна уч хўжалик маррага етди. Ҳар гектар ердан **«Гулистон» колхозида 43 центнердан, «Пахтаобод» ва «Ленинизм» колхозларида 39 центнердан хосил кўтарилди. Хўжаликларнинг пахтакорлари 55—60 центнердан ҳосил кўтаришга сўз бердилар.**

Сурхондарё

Ангор районидаги **«Қизил юлдуз» колхози йиллик планни бажарди. 916 гектар майдондан 3.618 тонна ҳосил топширилди.** Йиғим-терим охиригача бу кўрсаткич 4.300 тоннага етади.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлиги, самарадорлиги ва сифатини оширингиз!

Зарбдорларча ишлаш — бизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимиздир!

КПСС Марказий Комитети Чақириқларидан.

Улкан хирмон учун

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борыши тўғрисида шу йил 22 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	0,72	105,04	0,53	101,91
Хоразм	1,15	94,28	1,65	81,30
ҚҚАССР	1,05	89,31	1,18	75,50
Бухоро	1,19	87,44	0,84	33,94
Навоий	1,23	82,04	1,55	55,61
Сурхондарё	1,00	80,20	0,42	53,11
Сирдарё	1,11	77,31	0,89	79,51
Жиззах	1,34	71,86	0,22	69,44
Наманган	1,05	71,47	0,91	46,39
Андижон	1,17	69,94	1,78	48,54
Қашқадарё	1,39	68,81	1,71	51,23
Самарқанд	1,55	66,80	2,26	52,11
Фарғона	1,11	64,63	1,60	44,51
Республика бўйича	1,16	77,94	1,24	60,88
Шу жумладан ингичка толали пахта.				
Навоий	2,10	115,24	3,31	80,95
Сурхондарё	1,37	96,51	0,71	77,58
Наманган	1,20	83,02	2,00	28,40
Бухоро	2,90	76,37	0,76	5,88
Қашқадарё	2,13	75,68	2,16	42,96
Республика бўйича	1,71	89,57	1,28	62,42

Толлимаржон районидаги «Самарқанд» совхозида энг яхши оилавий экипаж ҳақида гап боргудек бўлса, акаука Болта, Ҳамро, Қурбон, Ўроқ, Узоқ, Комилжон Новровлар номини фахр билан тилга олишади. Аҳил оила экипажи ўзаро социалистик мусобақа асосида иш юритиб, шу кунгача 1.000 тоннадан ошиқ пахта териб, хўжалик «оқ олтин» хирмонига баракали ҳисса қўшди. Ўзаро беллашувда экипажнинг моҳир механик-ҳайдовчиларидан бири Ҳамро пешқадамлик қилиб, у айни кунларда зиммасига олган социалистик мажбуриятини бажариш арафасида турибди.

СУРАТЛАРДА: 1. моҳир механик ҳайдовчи Ҳамро Новров. 2. «Зангори кема»лар пахтазорда.

Р. Шагаев ва Ш. Шаропов фотолари.

(ЎзТАГ).

Ҳурмат тахтаси

пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар ҳурмат тахтасига ёзилади:

Янгийўл райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ **Аликулова,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Қодиров,** район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Исоқов,** райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ **Иброҳимов,** район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Бектўраев,** район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ **Шамсиев,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Қўчқоров;**

Тўрткўл райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ **Нурумбетов,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Юсупов,** район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Омоннепесов,** райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ **Оллобергенов,** район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Авезматов,** район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ **Исмоилова,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Қўшаев;**

Шовот райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ **Тоҳиров,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ҳайитбоев,** район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ражабов,** райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ **Отамуротов,** район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Қурбонов,** район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ **Отажонов,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Жуманиёзов.**

Эллиққалъа райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ **Примов,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Хўжаниёзов,** район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Нурумбетов,** райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ **Йўлдошев,** район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Отажонов,** район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ **Пирмўетов,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Собиров;**

Бекобод райони—район партия комитетининг секретари ўртоқ **Хатамов,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Қодиров,** район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Исабоев,** райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ **Умиров,** район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Худоёров,** район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ **Қодиров,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Расулов;**

Янгибозор райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ **Жабборов,** район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Матниёзов,** район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Байсов,** райсельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ **Ўтамов,** район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Холмуратов,** район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси ўртоқ **Тожибоев,** район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Исмоилов.**

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ М. М. МУСАХОНОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Коммунистик партия билан Совет давлати олдидаги хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг биринчи секретари ўртоқ Мирзараҳмонович Мирзараҳмонович **Мусахонов Ленин ордени** билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1982 йил 21 октябрь.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежнев Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар ташқи ишлар министрлари комитетининг мажлисида қатнашган Болгария Халқ Республикаси ташқи ишлар министри П. Младенов, Венгрия Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Ф. Пуйя, Германия Демократик Республикаси ташқи ишлар министри О. Фишер, Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министри С. Ольшовский, Руминия Социалистик Республикаси ташқи ишлар министри И. Андрей, Чехословакия Социалистик Республикаси ташқи ишлар министри Б. Хнеупек билан 21 октябрда Кремлда учрашди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико қатнашди.

Учрашув чоғида тинчлик сиёсати, ядровий фалокатнинг олдини олиш, барча халқларнинг хавфсизлигини пишиқ-пухта таъминлаш сиёсати, социализм, Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсати бўлиб келганлиги ва шундай бўлиб колаберишлиги таъкидлаб ўтилди. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг тинчлик ва халқаро хавфсизлик манфаатларини кўзлаб, халқаро ишларда ўзаро баҳамжиҳат ҳаракатларини амалга ошириш ва такомиллаштиришда Шартнома қатнашчилари бўлган мамлакатлар ташқи ишлар министрлари комитетининг муҳим ўрни қайд этилди.

Учрашувда Европа хавфсизлиги ва халқаро хавфсизликнинг энг муҳим проблемалари, жумладан, Мадрид учрашуви тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. АҚШнинг муҳолифлигини кескинлаштириш, бутун дунёда кескинликни юмшатишни билдирган барча нарсаларни қўпоришдан иборат йўли Европада ва бутун дунёда кейинги вақтларда тобора кучли равишда сезилаётганлиги таъкидланди. АҚШнинг тазйиқига қарамай, Европа мамлакатлари умуман кескинликни юмшатишдан манфаатдор бўлиб турганликларини ва кўпинча бу ҳақда ошкора гапиришдан ҳам қўрқмаётганликларини биламиз, деди Л. И. Брежнев. Совет Иттифоқига келганда, у Хельсинкидаги кенгашда бошланган Умумевропа жараёни сақланиб қолиш билангина чекланмасдан, шу билан бирга давом этиб, тобора кучайиши учун ҳам қатъият билан ҳаракат қилмоқда. Бунинг учун Мадрид учрашуви ижобий натижалар билан тугаши ва аввало Европада ишонч ва қуролсизланиш тадбирларига бағишланган конференция чақириш каби мақсада юзасидан қарор қабул қилиниши айниқса муҳимдир.

Бўлиб ўтган суҳбатда Л. И. Брежнев ядро уруши хавфини тугатиш — халқаро хавфсизликнинг энг ўткир, энг зарур масаласи эканини таъкидлади. Шу муносабат билан у Совет Иттифоқининг биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик мажбуриятининг алоҳида аҳамиятини уқтириб ўтди. Қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланишнинг энг муҳим масалалари Европадаги стратегик қуролларни чеклаш ва қисқартириш юзасидан ҳамда ядро қуролларини чеклаш юзасидан Женевада ўтказилаётган Совет-Америка музокараларида муҳокама қилинаётганлиги маълум. Музокаралар қийинчилик билан бормоқда, бу қийинчиликларнинг илдизи АҚШнинг одилона асосда, яъни тенглик ва баббаравар хавфсизлик принципи асосида бир битимга келишни истамаётганлигидадир.

Л. И. Брежнев КПСС билан Совет, давлатининг коммунистик қурилиш соҳасидаги фаолияти тўғрисида ахборот берди. У декабрнинг охирида нишонланадиган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги байрамига алоҳида тўхталди. Бу сана совет халқининг катта байрами ва шу билан бирга ғоят кенг маънодаги халқаро аҳамиятга молик воқеадир. Совет Иттифоқининг бутун тарихи халқлар ўртасида ленинча социалистик интернационализм принципларига асосланган муносабатлар чиначак тенг ҳуқуқлилик ва дўстликнинг қандай чўққиларга кўтарилиши мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Л. И. Брежнев БХР, ВХР, ГДР, ПХР, РСР, ЧССР раҳбарларига КПСС Марказий Комитети ва Сиёсий бюро номидан энг самимий саломлар топширди ҳамда ўз мамлакатларининг социалистик ривожланишида, тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун курашда муваффақиятлар тилади. У Министрлар комитет мажлисининг қатнашчилари самарали ва муваффақиятли ишлашига тилакдош эканини айтди.

Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков ва КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов иштирок этдилар.

(ТАСС).

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР БИРЛАШГАН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИДА

20—22 октябрь кунлари Польша Халқ Республикаси пойтахти— Варшавада Бирлашган Қуролли Кучлар бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали В. Г. Куликов раислигида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Бирлашган Қуролли Кучлари ҳарбий кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ҳарбий кенгаш ишида ҳарбий кенгаш аъзолари ва улар бошчилигидаги Болгария халқ армияси, Венгрия халқ армияси, Германия Демократик Республикаси миллий халқ армияси, Польша қўшини, Руминия Социалистик Республикаси армияси, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Қуролли Кучлари ва Чехословакия халқ армиясининг делегациялари иштирок этдилар.

Ҳарбий кенгаш Бирлашган Қуролли Кучлар кундалик фаолиятидаги баъзи масалаларни кўриб чиқди ва шу масалалар юзасидан тегишли тавсиялар қабул қилди.

Мажлис амалий, дўстона вазиятда, қардош армияларнинг ҳамжиҳатлиги ва мустаҳкам бирлиги руҳида ўтди.

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

СССР ички ишлар министрининг биринчи ўринбосари — генерал-полковник Ю. М. Чурбанов СССР ички ишлар министрлигининг бир группа масъул ходимлари билан биргаликда социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасида республикада амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар. Улар Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов районида бўлдилар. Бу район меҳнаткашлари республика пойтахтини коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантиришдан иборат ватанпарварлик ташаббуси билан чиқдилар. Район ички ишлар органлари партия ташкилотлари, маҳаллий Совет депутатлари, комсомол ва касаба союзлари билан яқин ҳамкорликда ҳуқуқ бузилишларнинг олдини олиш учун кўпгина ишлар қилмоқдалар. Бу ерда тартибни сақлаш жамоат постлари, ҳуқуқий пропаганда билан шуғулланувчи координация кенгашлари ташкил этилган, кўнгилли халқ дружиналари фаол ишлаб турибди. Ю. М. Чурбанов давлат автомобиль инспекциясининг иши, йўл ҳаракати автоматлаштирилган бошқариш системаси билан танишди.

Ю. М. Чурбанов Тошкентда, шунингдек Навоий областида ички ишлар органлари раҳбарлари ва Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги бир қанча бўлинмаларининг шахсий состави билан суҳбатлашди, пахтазорларда, ишлаб чиқариш коллективларида бўлди. У ўз нутқларида КПСС XXVI съезди талаблари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари ва тавсиялари асосида ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлашга оид амалий вазифаларга тўхталиб ўтди.

(ЎзТАГ).

ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ

СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ОЛДИДАН

Марксча-ленинча таълим системасида янги ўқув йили яқинлашиб келмоқда. Республикамизда партия ва комсомол сиёсий маорифининг барча формалари, иқтисодий таълим ва ўқувнинг бошқа оммавий формаларига деярли 4 миллионга яқин киши жалб қилинади. «Ҳар бир КПСС аъзосининг Уставда белгиланган энг муҳим вазифаси, — деб таъкидланади КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида, — марксча-ленинча назарияни чуқур ўрганиш, доимо омма орасида бўлиш, партия сиёсатини большевистик жўшқинлик билан тушунтириш, меҳнат унумдорлигини, иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, иқтисод ва тежамкорликда, сўз билан ишнинг бирлигида шахсий намуна кўрсатишдан иборат».

Республикаларда янги ўқув йили голг кўтаринки вазиятда бошланмоқда. Совет кишилари шонли сана— ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёрланмоқда. Шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнатчилари юбилей шарафига зарбдор вахтага туриб КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь ва 1982 йил май Пленумлари қарорларини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажариш учун зўр ғайрат-ташаббус кўрсатмоқдалар. Юбилей йили йиғим-терим мавсуми якунланмоқда. Бу мавсум мамлакат Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга ошириш учун умумхалқ курашида муҳим босқичга айланмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси партия комитетлари, пропагандистлар ва тингловчиларнинг ўқувларни ташкил этишга масъулият билан ёндошишларини, машғулотларнинг ғоявий-назарий савиясини оширишни, ҳаёт билан боғлиқлигини кучайтиришни тақозо этмоқда.

Маълумки, ўтган йили партия ўқуви системаси КПСС XXVI съезди кўрсатмалари, Марказий Комитетнинг партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарори асосида жиддий қайта қурилди. Янги структура, тематика, мазмун машғулотлар сифатига самарали таъсир кўрсатди. Эндиликда эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, эътиборни назария, партиямиз тарихи ва сиёсатини чуқур ва ижодий ўрганишга жалб, оммани иқтисодий таълими ва тарбияси савиясини ошириш лозим. Совет кишиларининг ғоявий чиниқишида, уларда интернационалистик фазилатларни ва маънавий интизомни тарбиялашда ўқувнинг ролини бутун чоралар билан ошириш зарур. Ўрток Л. И. Брежнев Тошкентда ва Бокудаги тантанали мажлисларда сўзлаган нутқларида бу ишнинг нақадар муҳимлигини таъкидлаб ўтган эди. Умуман, партия ўқувининг барча формалари ва бўғинлари давр руҳига, коммунистик қурилишнинг янги вазифаларига, КПССнинг сиёсий, идеологик ва ташкилотчилик фаолиятига тўла жавоб бермоғи даркор.

Илгаригидек, янги ўқув йилида ҳам коммунистларни революцион назария билан, КПСС ички ва ташқи сиёсати ҳақидаги билимлар билан қуроллантириш, мураккаб ҳаётий воқеа ва ҳодисалар орасида тўғри йўналишни ишонч билан янглишмай топишда ёрдамлашиш, коммунистик идеалларнинг ҳақконийлигига қудратли ишончни оммага етказиш, тингловчиларда буржуа идеологиясига муросасизликни тарбиялаш партия ўқувининг асосий вазифаси бўлиб қолади. Шу мақсадда марксча-ленинча назариянинг таркибий қисмлари, К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарлари, партия тарихи ва сиёсати, КПСС XXVI съезди ҳужжатлари, Л. И. Брежнев ва партиянинг бошқа раҳбарлари асарларини коммунистлар томонидан чуқур ва кунт билан ўрганилишини ташкил этиш лозим. Коммунистик ахлоқ, илмий атеизм, жаҳон миқёсида идеологик кураш, социалистик турмуш тарзи, СССРда миллий муносабатлар ва бошқа масалаларни ўрганиш катта аҳамиятга эга.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Меҳнаткашларга иқтисодий таълим бериш ва уларни тарбиялашни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида омма иқтисодий билимдонлигини яхшилашнинг, ҳар бир ходимда юксак иқтисодий маданиятни, меҳнатга коммунистик муносабатни тарбиялашнинг йўллари белгилаб берилди. Бу ўқув йилида мавжуд иқтисодий таълим системасида айрим қайта қуришларни кўзда тутган янги структура жорий этилади. Моддий ишлаб чиқариш соҳаси ходимларининг турли қатламлари учун ўқувнинг конкрет формаларини аниқ белгилаб, энг муҳим машғулотларнинг сифатини оширишни, унинг амалийлигини кучайтириш асосида ўқувнинг самарадорлигини оширишни иқтисодий назариянинг меҳнат коллективининг хўжалик ишлаб чиқариш фаолияти таҳлили билан узвий алоқасини таъминлашни назарда тутади. Коммунистик меҳнат, конкрет экономика мактаблари ва иқтисодий семинарларда «Тежамкорлик — коммунистик фазилат», «СССРнинг Озиқ-овқат программаси», «Техника тараққиёти», «Тежамли экономика», «Ленин, КПСС иқтисод ва тежамкорлик тўғрисида», «Агросаноат комплексининг иқтисодий механизми» сингари курслар, шунингдек, «Фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш самарадорлиги», «Ривожланган социализм шароитида фан-техника тараққиётини бошқариш», «Қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиётини бошқариш» курслари ўрганилади.

Иқтисодий курсларни ўрганишда сиёсий ўқув системаси катта роль ўйнайди. Коммунистлар, раҳбар ходимлар марксча-ленинча назария ва КПСС тарихини ўрганиш билан бир қаторда КПСС иқтисодий ва ижтимоий сиёсати, хўжалик механизмини такомиллаштириш, иқтисод ва тежамкорлик, Озиқ-овқат программасининг агросаноат комплексининг иқтисодий механизми масалаларини чуқур ўзлаштириб олмоқлари даркор.

Комсомол сиёсий ўқуви системасида «Иқтисодий билим асослари», «Техника тараққиёти ва экономика», «Тежамкорлик — коммунистик фазилат», «СССРнинг Озиқ-овқат программаси», «Социалистик мусобақани ривожлантириш, меҳнатга коммунистик муносабатни шакллантириш», КПСС иқтисодий ва аграр сиёсати, хўжалик механизмини такомиллаштириш, фан-техника тараққиётининг иқтисодий ва социал проблемалари масалалари ўрганилади. Илгари бўлганидек, ленинча сабоқларга алоҳида эътибор берилади.

Ўқувнинг таъсирчанлиги пропагандистларни танлаш ва тайёрлаш сифати билан белгиланади. Шунга асосан республика партия ташкилотлари анчагина тадбирларни амалга оширдилар. Фақат олий маълумотли коммунистлар партия ўқувининг пропагандистлари, семинар раҳбарлари, консультантлар қилиб тайинландилар. Иқтисодий таълим пропагандистлари эса, энг аввало, раҳбар кадрлар, иқтисодчилар, илмий ва инженер-техник ходимлар орасидан танлаб олинди. Комсомол сиёсий маорифи системаси пропагандистларининг сифат составини сезиларли яхшиланди. Кўпгина пропагандистлар область партия комитетлари Сиёсий маориф уйлари томонидан ўтказилган икки ва бир ҳафталик курсларда табақалаштирилган тарздаги ўқув машғулотларига қатнашдилар. Бу курсларнинг машғулотлари, айниқса, Тошкент, Андижон, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё областлари ва Қорақалпоғистон АССРда уюшқоқлик билан мазмунли ўтди.

13 ноябрда республикада ягона Пропагандист куни ўтказилади. Шу куни республика партия ташкилоти сиёсий жангчиларининг катта бир группаси КПСС Марказий Комитети томонидан таъсис этилган Ленин Фахрий ёрлиғи ва стол устида сақланадиган медаллар билан тақдирланади. Пропагандист куни, машғулотлар бошланиши олдидан ўтказиладиган идеология активи йиғилиши ва кенгашлари ўқувга тайёргарликнинг ғоят талабчан кўрнигига айланиши, энг яхши тажрибаларни умумлаштиришга, мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга ёрдам бермоғи керак. Асосий эътиборни ўқув жараёнининг ғоявий-назарий савияси ва таъсирчанлигини оширишга қаратиш зарур. Бу ўринда пропагандистларга маҳаллий партия ташкилотлари фаолияти, республика, область, шаҳар ва район план ва мажбуриятлари бажарилишининг бориши, ички ва халқаро ҳаёт воқеалари, ҳал қилиниши лозим бўлган проблемалар тўғрисида ўз вақтида ва муфассал ахборот бериб туриш катта аҳамиятга эга. Пропагандистларни янги ўқув планлари, ўқув ва методик адабиётлар таълимнинг техникавий ва кўргазмали воситалари, чоғиштирма материаллар билан таъминлаш, ўқув кабинетларини машғулотларни мунтазам ўтказишга олдиндан тайёрлаш лозим. Пропагандистларнинг шаҳар, район, партия комитетлари ва парткомлар қошидаги доимий ҳаракатдаги семинарлари машғулотга мунтазам ўтказилиши лозим. Таълимнинг проблем методлари, доклад ва рефератларнинг тингловчилар томонидан тайёрланиши ва муҳокама қилиниши, мунозаралар, мусоҳабалар, суҳбатлашувлар, конференциялар, шунингдек, ижтимоий-сиёсий практика ўтказиш сингари машғулотларнинг актив формаларидан янада кенгроқ фойдаланилиши керак.

Партия пропагандасининг ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш йўлида анчагина ишлар бажарилди. Ўқув йили бошланишигача ўзбек тилида «Ривожланган социализм: назария ва практика проблемалари», «Дунёни ўзгартирувчи таълимот», «КПССнинг иқтисодий сиёсати», «Илмий коммунизм», «Социал сиёсат масалалари» предметлари бўйича ўқув қўлланмалари чиқарилади. Рус ва ўзбек тилларида «СССРнинг Озиқ-овқат программаси», «В. И. Ленин, КПСС ўқувчиларини тарбиялаш ва ўқитишнинг бирлиги тўғрисида», «Ёш коммунист мактаби», ўзбек тилида «В. И. Ленин биографияси», «Совет давлатининг ташқи сиёсати», «СССРда миллий муносабатларнинг ривожланиш масалалари», «КПССнинг социал сиёсати» сингари ўқув планлар ва программалари, шунингдек, бир қатор иқтисодий таълим планлари ва программалари чоп этилади. Партия ўқуви системаси пропагандистлари ва тингловчиларига «Коммунист Ўзбекистана» — «Ўзбекистон коммунисти» журналларининг, ёш коммунист мактаблари пропагандистлари ва тингловчиларига эса «Партийная жизнь» — «Партия турмуши» журналларининг материалларидан ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланиш тавсия этилади. Иқтисодий таълим системасида «Сельское хозяйство Узбекистана» — «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» ва «Экономика и жизнь» журналлари материалларидан фойдаланиш тавсия этилади. Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти лекторлар, пропагандистлар ва тингловчиларга ёрдам тариқасида партия иқтисодий сиёсатининг энг муҳим мавзулари бўйича лекциялар текстлари серияси ва «СССР Озиқ-овқат программасини амалга ошириш фан» умумий номи остида кутубхона нашр қилди.

Биринчи машғулотда «Ҳур республикалар бузилмас иттифоқи» мавзуи ўрганилади. Шундан бошлаб, партия ва комсомол сиёсий ўқувининг, иқтисодий таълимнинг барча мактаблари, семинарларида марксизм-ленинизм университетларининг бўлимлари ва группаларидаги машғулотларда КПСС ленинча миллий сиёсатининг тантанаси, Советлар мамлакатида яшовчи барча миллат ва элатларнинг Коммунистик партия теварагидаги бузилмас жипслиги ҳақидаги фикрлар баралла янграмоғи лозим. Машғулотлар ўзининг бутун мазмуни билан тингловчиларнинг ватанпарварлик ва интернационал тафаккурини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ёрдам беришга, кишиларга реал социализм муваффақиятлари ва афзалликлари, партия ва Совет ҳукуматининг тинчликсеварликдан иборат конструктив ташқи сиёсати тўғрисидаги ҳақиқатни етказишга даъват этилгандир. Шу билан бирга жаҳон миқёсида идеологик кураш кескин тус олган ҳозирги шароитда империализмнинг агрессив сиёсати ва халққа қарши қаратилган бутун кирдикорларини фош этишга эътибор кучайтирилмоғи, меҳнаткашларда буржуа ғоялари ва қарашларига фаол муросасизлик тарбияланмоғи даркор.

Пропагандистларга ташкилий ва методик ёрдамни яхшилаш мақсадларида, шунингдек, машғулотлар сифати устидан назоратни кучайтириш учун республика партия ва комсомол сиёсий ўқувлари, иқтисодий таълим машғулотлари ўтадиган кунлар аниқ белгилаб қўйилди. Сешанба — партия ва комсомол сиёсий ўқуви куни, чоршанба — иқтисодий ўқув куни қилиб белгиланди. Партия-хўжалик активи мактаблари, назарий, методологик, иқтисодий, пропагандистларнинг доимий ҳаракатдаги семинарларида ойда бир маротаба, ёш коммунистлар, сиёсий билим, коммунистик меҳнат ва конкрет экономика мактабларида 2, марксизм-ленинизм асослари мактабларида 3 маротаба машғулот ўтказилади. 1983 йилда сиёсий маориф уйларни ва штатдаги кабинетларнинг тўртинчи республика кўрик-конкурси ва жамоатчилик асосида иш олиб борувчи сиёсий маориф кабинетларининг область конкурслари ўтказилади.

Шубҳа йўқки, янги ўқув йили революцион тафаккурнинг бирламчи манбаларини, партиямизнинг бой тажрибасини ўзида жамлаган ҳужжатларни чуқур ва изчил ўрганишда, ғалаба қозонишнинг ленинча илҳомбахш фанини кунт билан эгаллашда яна бир янги самарали босқич бўлади.

ЙИЛЛИК ПЛАН—7 НОЯБРГА

Автотранспорт халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири. Халқ хўжалик юкларининг 65—70 процентти автотранспортда ташилишининг ўзи ҳам бу фикрни тўла тасдиқлайди. Демак, ҳар бир ҳайдовчи ҳар бир автоколонна коллективи зиммасига юклатилган плантопшириқларни муваффақиятли бажариши у ёки бу объектнинг муддатидан олдин ишга туширишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бу ўз навбатида автотранспорт ишчилари, инженер-техник ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

«Джизакстепстрой» территориал бошқармасига қарашли 9-автокомбинат коллективи ўз зиммасидаги ана шу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда астойдил меҳнат қилмоқда. Улар юбилей йили план-топшириқларини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллиги вишонланадиган кунгача бажаришга азму-қарор қилганлар. Автокомбинат шоферлари, инженер-техник ходимлари зиммаларидаги юксак мажбуриятга яраша меҳнат қилмоқдалар.

Автокомбинат коллективи амалдаги йилнинг тўққиз ойлик планини барча кўрсаткичлар бўйича ошириб адо этди. Бу даврда иландаги 540 минг ўрнига 620 минг тонна ҳалқ хўжалик юкларини манзилга етказиб берилди. Бу муваффақиятларга Анорбой Урозбоев, Ҳаким Раимов, Болибек Сатторов, Йўлдош Асқаров, Турғун Раҳматуллаев, Абдураим Эркаев, Яхшилик Туйғунов, Алмурод Миразизов каби ҳайдовчилар катта ҳисса қўшдилар. Бу пешқадам ҳайдовчилар шу кунларда ҳам кунлик план-топшириқларини 125—140 процентга адо этишиб, ҳамкасбларига намуна бўлишяпти. Социалистик мусобақанинг яхши йўлга қўйилганлиги, илғор методларнинг ишлаб чиқаришга кенг жорий этилаётганлиги белгиланган вазифаларнинг шараф билан адо этилишида муҳим омил бўлмоқда. Коллективда ҳар ойда социалистик мусобақага якун ясалиб, пешқадамлар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилади. Шу йилнинг сентябрь ойи якунига кўра 21 йилдан буён шоферлик касбини эъзозлаб келаётган Шерқўзи Сулаймонов ва Анорбой Урозбоевлар мусобақа ғолиби деб топилди.

Автокомбинат маъмурияти, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ишчиларнинг самарали меҳнат қилиб яхши дам олиши учун ғамхўрлик қилмоқда. Яқинда автокомбинатда ёрдамчи хўжалик ташкил этилди. Шу кунларда ҳашар йўли билан бунёд этилган молхонада 37 бош қорамол боқилмоқда. Ёрдамчи хўжалик автокомбинат ишчиларини сут-қатиқ билан таъминлаяпти:

— Коллективимиздаги ҳар бир ишчи, инженер-техник ходим юбилей йилида зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилган ҳолда меҳнат қилишмоқда, — дейди автокомбинат директори С. Хўжабеков. — Айниқса, беш йиллик шахсий планларини уч йилда бажариш мажбуриятини олган, айни кунларда эса вақтдан ўзиб 1984 йилнинг II квартали ҳисобига иш юритаётган А. Урозбоев, Ҳ. Раимов каби ҳайдовчиларимиз билан фахрланамиз. Ана шундай ўз касбининг фидойилари бўлган пешқадам ишчиларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли коллективимиз зиммасидаги план топшириқларини ошириб адо этишга эришяпти. Автокомбинатимиз коллективи имкониятларни қайта кўриб чиқиб Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланадиган кунгача 1983 йилнинг I квартали план-топшириқларини уддалашга аҳд қилди. Бу бизнинг шонли юбилейга меҳнат совғамиз бўлади.

Ж. ТУРАЕВ,
И. ИСМОИЛОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг мухбирлари.

КАРТОШКАКОРЛАРНИНГ ЯНГИ МАВСУМИ

Ўзбекистоннинг картошкакорлари яна ҳосил қазишга киришдилар. Комбайнлар республиканинг Ҳисор тоғи этакларидаги энг баланд майдонларга чиқарилди.

Шаҳрисабз районидаги К. Маркс номли совхознинг деҳқонлари бу ерда кечки картошкани кавлашга киришдилар. Ҳар гектар ер ўрта ҳисобда 150 центнердан йирик картошка бермоқда. Тиниқ тоғ сувн, серозуқа тупроқ картошкани ғоятда тотли қилди.

Ўзбекистон ССР Мевасабзавот министрлигидан хабар қилишларича, ихтисослаштирилган бошқа хўжаликларда ҳам кечки картошка ёппасига кавлана бошлаган. Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитларига қарамай, ҳамма ерда кечки картошкадан мўл ҳосил етиштирилди. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш мана шунга эришишга ёрдам берди. Эндиликда ихтисослаштирилган янги 18 та совхоз далаларининг 90 процентти картошка учун ажратилган. Бу нарса ер-сув ресурсларидан, уруғлик ўғит ва техникадан мақбул тарзда фойдаланишга имкон берди.

(ЎзТАГ мухбири).

Қишлоқ ҳақиқати"га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ИМИЛЛАШ ҚАЧОНГАЧА»

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг 29 август сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада Урганч районидаги «СССР 50 йиллиги» колхозида чорва қишловига тайёргарлик сust бораётганлиги танқид қилинган эди.

Мақола юзасидан қуйидаги жавоб олинди.

УРГАНЧ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

«Имиллаш қачонгача?» сарлавҳали мақолада «СССР 50 йиллиги» колхозида чорва қишловига етарли эътибор берилмаётганлиги тўғри кўрсатилган.

Мақола район партия комитетининг мажлисида муҳокама қилинди, материалда кўрсатилган камчиликларни тезда бартараф этиш учун конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди. Колхоз правленеси, партия ташкилоти хўжаликда чорва озуқаси тайёрлашнинг зарбдор иккн ҳафталигини эълон қилди. Икки ҳафта ичида 225 тонна сенаж, 10 тоннадан кўп витаминли ун, 400 тоннага яқин дагал хашак, 300 тоннага яқин беда пичани жамғарилди. 1300 тонна ўрнига 1600 тонна силос бостирилиб, бу борадаги план-топшириқ ортиғи билан адо этилди. Маккажўхоридан бўшаган ерлар ҳайдалиб, экишга тахт қилиб қўйилди.

Колхоз правленеси, партия ташкилоти давлатга гўшт, сут топшириш планларини бажариш учун барча тадбирларни кўрмоқда.

Район партия комитети «СССР 50 йиллиги» колхозининг меҳнатчилари партия ташкилотининг раҳбарлигида давлатга чорва маҳсулотлари топшириш планини муваффақиятли адо этиб, Озиқ-овқат программасини ҳаётга тадбиқ этишга ўз улушларини қўшади деб «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси редакциясини ишонтиради.

К. ДАВЛАТОВ,
Урганч район партия комитетининг секретари.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ПАХТА ЕТИШТИРИШ ИЛМИЙ АСОСГА ЎТКАЗИЛАДИ

МАПУТУ, 22 октябрь. (ТАСС мухбири). Мозамбикда пахта етиштириш замонавий илмий асосга ўтказилмоқда. Нампула вилоятидаги учта давлат хўжалиги икки йилдан бери сурункасига олаётган ҳосил мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан қарийб уч ҳисса ортиқдир. Масалан, Мизерепане давлат хўжалигидаги ҳосилдорлик гектар бошига қарийб 15 центнерни ташкил этди. Эришилган муваффақият ўзбек пахтакорлари тажрибасини қўлланиш, совет қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланиш натижасидир. Пахтазорларда СССРдан юборилган 124 та трактор, 70 та сеялка, нўп миқдордаги бошқа машина ва ускуналар ишлаб турибди.

Ҳозир 4,5 минг гектар ерга чигит экиб пахта етиштирилаётган бўлса, келгуси мавсумда пахтазорлар 10—15 процент кенгайтирилади. Айни вақтда учта давлат хўжалигини кўп тармоқлик хўжаликларга айлантириш плани амалга оширилмоқда, уларда пахта билан бирга дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириладиган бўлади, чорвачилик фермалари ташкил этилади. Шу йилнинг ўзида бир неча юз гектар ерга маккажўхори, ловия, кунгабоқар экилиб, дурст ҳосил олинди.

Мозамбикни ривожлантириш планларига мувофиқ совет мутахассислари меҳнат қилаётган Нампуладаги пахтакор давлат хўжаликларн намунали хўжаликлар, мамлакат учун илғор тажриба ва мутахассис кадрлар тайёрлаш мактаби бўлиб қолиши керак.

В. ОСИПОВ.

НОРОЗИЛИК ТЎЛҚИНИ КУЧАЙМОҚДА

ВАШИНГТОН, 22 октябрь. (ТАСС). Қўшма Штатларда Рейган маъмуриятининг ядровий қуролланиш пойгасини кучайтиришга, мамлакатни янада милитаризациялаштиришга қаратилган авантюрачилик сиёсатига қарши норозилик тўлқини кўтарилиб бормоқда.

Америка жамоатчилиги вакилларининг Мэриясида бўлиб ўтган митингида сўзга чиққан нотиқлар қуролланиш пойгасини чеклашга, термоядро фалокати хавфини тугатишга чақирдилар.

Ҳозир дунёда қуролланиш пойгасини тўхтатишдан ҳам муҳимроқ масала йўқ. Инсониятнинг бундан буёнги ҳаётмамоти шу масаланинг ҳал этилишига боғлиқ, деди митингда сўзга чиққан АҚШнинг таниқли сиёсий арбоби, собиқ сенатор Ж. Макговерн.

Рейган маъмуриятининг ядро потенциалини кучайтириш йўли АҚШдаги иқтисодий таназзулнинг олдини олиш учун жуда зарур бўлган моддий ресурсларнинг ўринсиз исроф бўлишига олиб бормоқда, деб таъкидлади Ж. Макговерн.

Ж. Макговерн маъмуриятнинг стратегик қуролларни чеклаш ишида силжишга эришилмаганлиги учун масъулиятни СССРга тўнкаш йўлидаги уринишлари асоссиз эканини уқтириб ўтди.

Ҳозирги маъмурият, деди Вашингтон мэри М. Бэрри, АҚШ тарихида ҳарбий асл-ҳаҳоналарни ҳаддан ташқари кўпайтириш ташаббускори бўлиб қолди. У «МХ» стратегик ракеталари ва «Трайдент» системаси, қанотли ракеталар ва «В—1» стратегик бомбардимончи самолётлар қуриш программаларини зуллик билан амалга оширмоқда. Мана шундай шароитда ядро қуролларини ўзаро кўпайтирмаслик тўғрисидаги таклифнинг қабул этилиши халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаган ва ядро уруши чиқиш хавфини камайтирган бўлур эди, деди у.

Сенатор Э. Кеннеднинг митинг қатнашчилари ўртасида тарқатилган баёнотида ядро қуролини кўпайтирмаслик тўғрисидаги таклифни дарҳол қабул этиш дунёни инсоният тарихида сўнгги уруш бўлиб қолиши мумкин бўлган янги жаҳон урушидан халос қилиши мумкин.

«Миллий мудофаа масалаларида соғлом фикр учун курашувчи гражданлар» ташкилоти америкаликларга мурожаат қилиб, конгресста ўтказиладиган сайловда ядро қуролини кўпайтирмасликка қарши бўлган номзодларни маглубиятга учратишга чақирди. Бу номзодларнинг урушқоқлик фикр-ўйлари мамлакат гражданларининг жуда кўпчилиги фикрига зиддир, деб таъкидланади даъватномада.

Шу ташкилотнинг раҳбари Ф. Стернинг уқтириб айтишича, жамоатчилик фикрини билиш мақсадида ўтказилган кейинги савол-жавоблардан бирининг натижалари америкаликларнинг 69 процентн ядро қуроли кўпайтирилмаслиги тарафдори эканини кўрсатиб турибди.

АҚШ. Исроил агрессорларининг Ғарбий Байрутдаги фаластин қочоқлари лагерида қилган қонли жиноятларига қарши Кливлендда норозилик намойиши бўлиб ўтди. Намойишчилар барча Исроил қўшинларини Ливандан олиб чиқиб кетилишини ҳамда Американинг Тель-Авивга кўрсатаётган ҳарбий ва иқтисодий ёрдами тўхтатилишини қатъий талаб қилдилар.

СУРАТДА: намойиш қатнашчиларидан бири. У исроиллик агрессорлар қурбонининг расми туширилган плакатни кўтариб бормоқда.

АП—ТАСС телефотосн.

ГРЕЦИЯДА САЙЛОВ

АФИНА. Грециядa маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига сайловнинг биринчи давраси ниҳоясига етди. Бир йил аввал бўлиб ўтган умумий сайловда бўлгани сингари учта энг йирик партиядан — Умумгреция социалистик ҳаракати, «янги демократия» ва ГКП партияларидан шаҳарларнинг бошлиқлари лавозимларига номзодлар ўртасида асосан кураш авж олиб кетди. Овоз бериш биринчи даврасининг якунлари демократик кучлар обрў-эътиборининг ўсганлиги ва мустаҳкамланганлигини намойиш қилди. Янгидан сайланган 123 нафар шаҳар бошлиғидан 92 нафари сўл кучлар вакилидир. Греция оммавий ахборот воситалари сайлов натижасида коммунистларнинг позициялари анча кучайганлигини таъкидламоқда. ГКП номзодлари учун берилган овозлар ўрта ҳисобда ўтган йилги парламент сайловидагига нисбатан қарийб 50 процент, баъзи аҳоли пунктларида эса бир неча баробар кўпайди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

КОБУЛ. Бу ерда «Фан халқ хизматида» шиори остида мамлакат тарихида биринчи марта илмий-методик конференция иш бошлади. Конференцияда икки юзга яқин афғон олимлари, социалистик мамлакатлардан, шу жумладан Совет Иттифоқидан келган илмий ходимлар иштирок этмоқда. Конференцияда Афғон жамиятининг ижтимоий, иқтисодий ва социал жиҳатларига оид 130 доклад ўқилади.

Конференция қатнашчиси, Кобул университети рус ва совет адабиёти кафедрасининг мудири, доктор Мир Абдулқодир Ахбар ТАСС мухбири билан суҳбатда бундай деди: бугунги кунда афғон халқи олдида турган жуда кўп проблемаларни биргаликда муҳокама қилмоқ учун олимлар тарихда биринчи марта Афғонистонда тўпланганлигидан хурсандмиз. У ўзларининг афғон хамкасбларига беғараз ёрдам берганликлари учун Совет Иттифоқи олимларига самимий миннатдорчилик изҳор этди.

НЬЮ-ЙОРК. Покистон ҳарбий ҳаво кучларининг вакили Американинг «Ф-16» типидаги замонавий қирувчи самолётлари дастлабки туркумини Пентагондан расмий равишда қабул қилиб олди. «Авиэйшн» «уик энд спейс технолоджи» журнали шу ҳақда ҳабар қилиб, жами 1,1 миллиард долларлик 40 самолётнинг ҳаммасини Исломободга етказиб бериш 1985 йилнинг сентябрида тугалланишини уқтириб ўтди.

Журнал маълумотларига кўра Қўшма Штатлар Покистон учувчиларини ва ерда хизмат қиладиган ходимларини жанговар ҳамда техникавий жиҳатдан тайёрлашни ҳам таъминлайди.

БАЙРУТ. Шиалар олий ислом кенгашининг раиси Муҳаммад Маҳди Шамсиддин Ливаннинг яшашига ҳавф солаётган Исроил босқинчиларига қаршилик кўрсатишни кучайтиришга даъват этди. У бу ерда эълон қилинган мурожаатда Ливан халқининг олий манфаатлари мамлакатдаги барча сиёсий кучларнинг биргаликда ҳаракат қилишини тақозо этаётганлигини уқтириб ўтди. Партиялар ўртасидаги келишмовчиликлар, деб таъкидлади Шиалар раҳбари, Исроил учунгина қўл келади. Шайх Ливаннинг жанубидаги Исроил қамоқ лагерларида минглаб диванликлар ва фаластиниликлар азоб чекаётганлигини эслатиб, Исроилнинг ваҳшиёна агрессиясини тўхтатиш мақсадида биргаликда кенг кўламда ҳаракат қилишга чақирди.

Марҳо майдонда синалади

ҲОСИЛИМИЗ ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ этаётган колхозимиз меҳнаткашлари яна бир катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини бажардилар. 949 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33,9 центнердан ҳосил йиғиб олинди.

Кейинги йилларда пахтачиликда илғор технологиянинг жорий этилиши ўзининг самарали натижасини бермоқда. Тошкент технологиясининг ҳар томонлама афзал эканлигини бу йил яна бир маротаба тажрибада синаб кўрдик. Эрта баҳордан бошлаб то кузгача бўлган даврдаги барча агротехник тадбирлар индустриал методлар асосида олиб борилди. Ерни экишга тайёрлаш, чигит экиш, гўза қатор ораларига ишлов бериш муддатлари қисқартириб борилди. Иш сифати эса жуда юқори бўлди. Бу эса ҳосилнинг мўл ва эрта пишиб етилишини таъминлади.

Икки йилдан буён ўсимликлар экспериментал биологияси ва полимерлар химияси институти олимлари томонидан яратилган капсулаланган чигит экямиз. Бу йил ана шундай майдонлар ўтган йилгига нисбатан кескин кўпайтирилди. Юбилей йилида 850 гектар ерга ана шундай чигит экилди. Бундай чигитнинг оддий чигитга нисбатан қатор афзалликлари бор. Қопламали чигит ҳар қандай об-ҳаво шароитида чиримай, бехато униб чиқар экан. Тўлиқ гектарлар ҳосил қилиш осонлашади. Капсулаланган чигитлар барча бригада далаларида бехато униб чиқди. Бу эса гўза культивациясини ва ўғитлашни тезлаштириш имконини берди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Тошкентдаги тантаналарда сўзлаган нутқида пахта сифатини яхшилашга қаратилган қимматли маслаҳатлар берган эди. Колхозимиз меҳнат аҳли ана шу йўл-йўриқларни дилларига жо қилиб, астойдил ишладилар. Кўпчилик бригадаларимиз қутлуғ юбилей йилида пахтадан юқори ҳосил олиш учун эшмаларига оширилган мажбурият қабул қилдилар. СССР Олий Советининг депутати О. Турғунова бошлиқ бригада миришкорлари йил бошида 50 центнердан хирмон кўтариш ташаббуси билан чиқдилар. Уларнинг ташаббусини район партия комитети маъқуллади. Колхозимизда 40—45 центнерчилик ҳаракати авж олиб кетди. Ҳар бир меҳнат коллективи зиммасидаги юксак мажбуриятни уддалаш учун астойдил меҳнат қилди.

Далаларимизда мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштирилди. Деҳқон учун йиғим-терим жиддий синов. Бу имтиҳонга кимки пухта тайёргарлик кўрса, у албатта ютиб чиқади. Биз ўз имкониятимизни аниқ ва пухта ҳисоблаб чиқдик. Пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини 15 иш кунида бажариш тадбирларини белгиладик. Шу асосда аниқ ва пухта иш олиб бордик. Ғўзаларни машинабоп қилиб ўстирганимиз, техникаларни пухта шайлаганимиз, йиғим-теримни социалистик мусобақа асосида ташкил этганимиз қўл келди. Механик-ҳайдовчиларимиз теримга тушиши билан суръат кўтарилди. 16 та терим машинаси 4 та звенога бўлиниб иш бошлади. Моҳир механизаторларимиз ғайрат кўрсатиб ишлаши туфайли кунига 8—9 процент миқдорида пахта тайёрлашга эришдик. Давлатга топширилган 3215 тонна пахтанинг 85 проценти «дала—бункер — прицеп—қабул пункти» асосида топширилди. Йиғим-терим пайтида илғор технологиянинг афзал эканлиги яна бир бор исботланди.

Пахта тайёрлаш халқ хўжалик планининг барвақт бажарилишида О. Турғунова, М. Бегматов, Э. Деҳқоновлар бошлиқ бригада заршунослари салмоқли улуш қўшдилар. О. Турғунова бошлиқ бригада пахтакорлари планни беш иш кунида бажардилар. Ҳозир бу коллективда ҳосилдорлик 40 центнерга етай деб қолди.

Хирмонга барака киритишда, айниқса деҳқонларнинг ишончи ва сўнгги тоғлари бўлган «зангори кема» капитанларининг хизматлари катта бўлди. Бу йилги мавсумда 250—300 тонна пахта теришга сўз берган Д. Нурматов, К. Эргашев, Х. Абдувалиев сингари механик-ҳайдовчилар шу кунгача бункерлардан 100—150 тоннадан «оқ олтин» тўкишга эришдилар.

Колхозимизда йиғим-теримни муваффақиятли ўтказиш учун умумий сафарбарлик эълон қилинди. Коммунистлар, комсомол-ёшлар, мактаб ўқувчилари, пенсионерлар катта хирмонни барпо этишда фидокорона меҳнат қилдилар. Хозиргача 400 га яқин киши мусобақа ғолиби деб топилди. Улар колхоз правлениеси ва партия ташкилоти томонидан ажратилган махсус мукофотлар билан тақдирландилар. Х. Элчиева, Н. Бегматова, Н. Абдурахмонова сингари теримчилар бир неча бор беллашув байроқдорлари бўлдилар. Катта хирмонимизни бунёд этишда колхозчиларимиз билан елкама-елка туриб, мададкор бўлган Андижон педагогика институтининг педагогика ва биология факультети студентларига, ўқитувчиларига ва бошқа ҳашарчиларга ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан йиғим-терим ишлари янада қизғин тус олиб кетди. Мурожаатдаги қўйидаги сатрлар меҳнаткашларимизни ғайрат билан ишлашга ундамоқда. **«Юбилей йилининг планлари ва социалистик мажбуриятларини уддаламоқ учун ҳамма жойдан бениҳоя зўр қатъият ва сабот-матонат, техникадан ва одам ресурсларидан самарали фойдаланиш маҳоратини кўрсатиш, ҳамма резервларни ишга солиш зарур».** Мана шу даъватдан келиб чиқиб, мажбурият ҳисобига пахта топшириш жадаллашмоқда. Ҳадемай зиммага олинган улкан вазифа ҳам шараф билан бажарилади.

Гоҳи-гоҳида ёғиб турган ёмғир, йиғим-терим ишларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Аммо теримда иштирок этаётган ҳар бир меҳнаткаш, ҳашарчи табиатнинг инжиқликларига ўз иродасини қарши қўйиб тер тўкяпти. Уларнинг бутун диққат-эътибори ҳосилнинг сўнгги граммигача териб олишга қаратилган.

Биз даладаги ҳосил чўғини ҳисоблаб чиқиб, давлатга топширилдиган пахтани 4 минг тоннага, ҳосилдорликни эса гектар бошига 42 центнерга етказишга қарор қилдик. Йиғим-теримни сусайтирмай, даладаги ҳамма ҳосилни давлат омборларига етказиб берамиз. Қўлга киритилган дастлабки ютуқни мустаҳкамлаб, юксак социалистик мажбуриятимизни ҳам қисқа муддатда шараф билан бажарамиз.

А. СОЙИБНАЗАРОВ,
Бўз районидаги Тельман номли колхоз раиси.

СССРнинг 60 йиллиги нишонланаётган йилда республикада яшовчи ҳар бир киши ватанга камида 6 миллион тонна «оқ олтин» беришдан иборат ўз ватанпарварлик ва интернационал бурчини сидқидилдан, очиқ-ойдин англаб турибди. Ҳамманинг фикри-зикри ва муддаолари, фан ва илғор тажриба ютуқлари, пахтазорлардаги меҳнат шижоати ва қаҳрамонона кучғайратлари шу бурчни бажаришга бўйсундирилган.
(Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан).

Андижон область Ленин районидаги «Соцнализм» колхози деҳқонлари юбилей йилида 1.786 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига амалий иш билан жавоб бериш учун бутун куч-ғайратларини ишга солаётган заршунослар терим суръатини сусайтирмасликка ҳаракат қилмоқдалар. Бу борада айниқса, техника жиловкорларнинг ҳиммати баланд бўлмоқда. «Пўлат от» суворийлари ўртасидаги мусобақада О. Ҳурилбоев пешқадамлик қиляпти. У мавсумда 220 тонна жавоҳир териб беришга аҳд қилган.

СУРАТДА: моҳир механизатор О. Ҳурилбоев.
Т. Ҳамроқулов фотоси.

САРБОН

ЕЗУВЧИ ЁН ДАФТАРИДАН

Гурланликлар «кадхудо», «ҳақиқий...», «зўр» деган нисбатларни ҳаммага муносиб кўравермайдилар. Агар бу нисбатлар бировга берилдими, демак, гап бор. Халқ одамга меҳрини сўраб сочмайди, синаб сочади.

Амин Вафоев. Уни танигганимга ўн-ўн беш йилдан ошди. Турли раҳбарлик лавозимларида муваффақият билан ишлаган, ҳаракатчан, ташаббуснинг «қайнаб турган уяси», сезгир, ҳушёр ва хушчақчақ одам. Баъзан, истиҳолага ҳам борасан, биров бўлмаса биров, «Ҳа, таниш, яқин одами-да, шунга ёзган-да...» деб қўядими! Нима бўпти? Республикамизнинг турли жойларида озми-бизнинг яқин кишиларимиз, қадрдон хонадонларимиз, ҳамроз ва энг асосийси — эл-юрт деб кечакундуз на ишда, на уйқусида ҳаловати бор одамлар! Ҳар бирининг ишларини достон қилгудек. Адабиётнинг халққа яқинлигининг энг оддий мисоли шу эмасми?! Қаҳрамонларни кўзи юмиб осмондан эмас, замонимизда, атрофимизда кўришимиз керак. Ёнимиздан оққан дарёнинг мавжларини қуйлашимиз керак. Қоларса, ёзувчи ёки шоирнинг дўстлари ҳар доим элда танилган, обрўли, чинакам олижаноб одамлар бўлиб келган.

Амин Вафоевнинг меҳнат фаолиятидаги кескин, балки муҳим бурилиш 1980 йилда содир бўлди. Район ижроия комитетининг раислигидан колхоз раислигига юборишди. Тағин «от бўлиб сағриси ялтирамаган», районнинг ғарби-жанубида жойлашган «Коммуна» колхозига! Бундай вазиятларда одамларнинг орзидан «бўшатилипти!», «тушибди» деган сўзларни ҳам ёки «атланг», «Энди кўтарилаётган эди...» сингари гапларни ҳам илғаш мумкин. Лекин қаҳрамонимизнинг ўзидан эшитиб кўрайлик-чи, мулоҳазасини:

— Район ва область партия ташкилоти мени колхозга юбориб, тўғри иш қилган экан. Нима десам экан, колхозда мустақил ташаббус кўрсатишга, одимни кенгроқ олишга, уфқни олисроқдан илғашга имконлар бор. Ернинг бевосита ўзида туриб ишлайсан...

«Одимни кенгроқ олиш...», «ернинг бевосита ўзида туриб ишлаш...». Бу принципни биз Амин Вафоевнинг район ижроия комитетининг раислиги пайтидаёқ кўрган эдик. Район марказидаги ўзгаришлар — табиий газ келтирилиши, ирригация иншоотларининг тартибга солиниши, кўплаб янги маданий-маиший ва турар-жой биноларининг бунёд этилишида Амин Вафоевнинг озмунча улуши бор дейсизми! Қолаверса, бугун Гурлан маркази ҳамма кўрсаткич ва имкониятлари билан расмий равишда шаҳар деб эълон қилинишига манамана, оз қолиб турибди.

«Коммуна» — областнинг йирик хўжаликларидан. 1980 йилнинг ўзида колхоз давлатга 1658 гектар ердан 40 центнердан пахта сотди. Бу колхоз учун жуда катта кўрсаткич эди. Ишлар жонланиб кетди. Раис кадрлар билан ишлашга алоҳида эътибор берди. «Бизда одамлар яхши, — фахр билан гапиради раис. — Ишнинг жўясини кўряптими, кучқувватини аяшмайди. Кексаю-ёш ҳамма нарсага қизиқади. Ўзининг шахсий ишидек киришади».

Ҳа, икки йил ичида 60 километрга яқин ариқ ва коллекторларни тўғрилашнинг, асосий карталарни йириклаштиришнинг ўзи бўладими? Дейлик, баъзида катта карталар ўртасида кўп йиллардан бери яшаб келаётган хонадонлар кўп. Боғи-боғчаси, томорқаси бор. Уларнинг ҳар бирига қўнглига ёққан ердан ер ажратиб бериш, бинокорлик материаллари танқис шароитда, бир-икки йилда ҳаммасининг шахсий қурилишларига керак ёрдамларни бериш осон гап эмас. Карталарни йириклаштириш жараёнида олиб ташланган тутзорларнинг ўрнини тўлдириш учунгина икки йил ичида икки юз йигирма минг туп тут кўчати ўтказилди.

— Гужум дарахти юз йиллаб яшайдиган кучли дарахту, лекин жуда нозикда, — ҳикоя қилади раис. — Хоразмнинг кўп жойларида бу оғочларнинг қурий бошлаганини кўриш мумкин. Биз гужумга алоҳида меҳр билан қараган эдик. Улар меҳримизни билди. Борларини парвариш эта бошладик. Кўплаб гужум кўчатлари экдик. «Гужумни кекса экади», деган гап бор Хоразмда. Шу гапни Сиддиқ ота деган ҳурматли бир оқсоқолимизга тушунтириб айтсам, у кишига жуда маъқул келди. Ўн-ўн беш нафар чоғли отахонлар ўзлари ажойиб бир ҳашар қилишди, 200 туп гужум ўтказишди. Сиддиқ ота жўшиб кетиб, боғимидаги қўйларидан бирини сўйиб юборди... Кексаларнинг ёшлик байрами бўлди бу.

Гўшт, озиқ-овқат масаласи ҳамма хўжаликлар, одамлар олдига конкрет вазифаларни қўндаланг қилган пайтда оддий колхозчи индамай бир қўйини сўйиб ташлай олар экан, бу борада ҳам колхозда катта силкиншлар юз берганининг аломати. Бу йил колхоз гўшт планини муваффақиятли бажарди. Давлатга 85 тонна аъло сифатли гўшт топширилди. Бунга эришиш учун яна ўша изланиш, резервлар ахтариш, одамларни қизиқтириш, тушунтириш керак эди.

Хоразм шароитида уйда мол сақлашнинг ўзи бўлмайди. Табиий яйловлар мутлақо йўқ. Қўл билан берганга қуш тўймас, дейдилар. Раис кўрасида моли йўқ ёки кам хонадонларга фойдали шартлар билан мол олиб берилишини, пул кредитлари берилишини ташкил қилди. Уларга ем-озуқа билан ҳам ёрдам берилишига эришди. Колхозчиларга фақатгина мол сотиб олишлари учун 80.000 сўмдан ошик кредит берилди. Натижа биринчи йилдаёқ кувонарли бўлди. «Келаси 1983 йил планини.— дейди Амин Вафоев, — бу йилгидан ҳам муваффақиятли бажарамиз. Бунга аниқ асосимиз бор...» Раис қўлади: «Карвон билан борамиз! Гўшт карвони... Етиштирилган тирик маҳсулотларимизни машиналарга ортамиз, топширамиз. План энёди билан уддаланади!».

Дунёда белнинг бақувватлигига нима етсин! Колхоз 1981 йилда ҳосилни 43 центнерга етказди. Жаъми беш миллион сўм соф даромад олинди. Бу муваффақиятларга чигитни эрта экиб, планни ҳам эрта тўлдириб, пахтани юқори, фақат юқори сортларга топшириш туфайли эришилди. Ғўза зараркунандаларига биометод ёрдамида қурашишдан ҳам 60 минг сўм фойда кўрилди.

— Район, область партия ва совет раҳбарлари ишларимизни мамнуялар, — давом этади Амин Вафоев.— Бизнинг зиммамизда бошқа хўжаликлар учун аъло сифатли уруғлик чигит етказиб бериш масъулияти ҳам бор. Область партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Мадиёр Худойбергановнинг бир одатлари бор. — қаерда қандай янгилик жорий қилинган бўлса, уни синчиклаб кўргач, «Илғор тажриба мактаби!» деб, бутун область хўжаликлари раҳбарларига намуна қилиб кўрсатадилар ва бу ердаги ишларни энди ўзлари ҳам кўздан қочирмайдилар. Область миқёсидаги кўплаб қишлоқ хўжалиги тадбирлари, анжуманлари эндиликда колхозимизда ўта бошлаганидан ва ўтказиш мўлжалланаётганлиги биз учун катта ишонч ва фахрдир.

Бу йилги кўрсаткичлар қандай бўлди, деган савол туғилиши табиий. 80—81 йиллардаги катта ютуқларни партия ва ҳукуматимиз муносиб баҳолади. Орден ва медаллар олган йигитма қурилган, замонавий меъморчилик намунаси бўлган дала шийпони комплекси олдидан чиқдик. Улкан ҳовуз гирди ва дарахтлар атрофи қадимги Хива йўлаклари ва ҳовузлари қурилишидан андоза олгандек, пишиқ ғиштлар билан териб ишланган. Сўлим истироҳатгоҳ! Шийпон ишики ва ёзги иморатлардан иборат бўлиб, колхозчиларнинг овқатланиш ва ҳордиқ чиқаришларига мўлжалланган. «Мана шу ерда ўтириб овқатланган ва дам олган кишида чарчоқ қоладими?» — менга кулиб қарайди Амин ака. «Мана бу узун йўлак бўйлаб ва шийпоннинг ички, ташқи деворларига улуғ шоирларимизнинг байтларидан нақш этмоқчимиз...»

Тушундим. Дарров кўз олдимдан адабиётимизнинг таниқли кишилари ўтди. Раис ўз коллективига тез орада адабиёт ва санъат намоёндаларини чорламоқчи.

Самари кўриниб турган меҳнат, у ҳар қандай қийин ва мураккаб бўлмасин, қалб ишига, кўнгил майлига, мусиқага айланади. У мазмун касб этади, умрга янги руҳ ва қувват беради. Атрофолам, ўзинг қўл теккизиб кўркамлаштира олган жойларинг Ватаннинг жонли ва муносиб бўлагига айланади. Ватаннинг бир бўлагига айлана олган меҳнат, у қайси шаклда бўлмасин, эъзоз ва эътиборга лойиқдир.

Шайх Саъдий ўзининг «Гулистон»ида нечук зўр гап айтган: «Мулк билиб эяларидан жамол топар... Амали аҳл эясина буюргил...».

Омон МАТЖОН,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.

Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг республикамиз барча меҳнаткашларига Мурожаатидан илҳомланган Урганч районидаги Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари айни кунларда мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширишмоқда. Хўжалик марди-майдонлари қўлга киритаётган бу муваффақиятларда кўпмингкилограммчи теримчиларнинг муносиб улуши бор. Ҳожарбуви Дўжонова (суратда биринчи) ана шундай пешқадамлардан бири. 10 тоннадан ошириб дурдона терган бу чевар ҳозирги ғанимат дамларда ҳам пахтазорда жасорат кўрсатиб, ҳамкасбларига ибрат бўлмоқда.

Н. Шаришов фотоси.

КЎМАКДОШЛАР

Йиғим-терим қизғин тус олган бугунги кунда пахтазорда турли касб эгалари, студент ва ўқувчилар заршунослар билан елкама-елка туриб фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Барчанинг фикри-ёди катта меҳнат эвазига етиштирилган «оқ олтин»нинг бир мисқолини ҳам нобуд қилмай сифатли йиғиштириб олишдан иборат.

Биз Ғанишер Юнусов номли совхозда бўлганимизда пахтакорларга ёрдамга келган Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригациялаш инженерлари институтининг Янгиер филиали студентлари ҳақида илиқ сўзларни эшитдик. Совхоз партия ташкилотининг секретари Темур Абдусатторов биз билан суҳбатда янгиерлик кўмакдош талабалар ҳақида қуйидагиларни айтди:

— Совхозимизнинг улкан хирмонини юксалишида студентларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Ҳар куни улар 28—30 тонна атрофида пахта териб тайёрлов пунктига топширмоқдалар. Совхозимиз маъмурияти оловқалб кўмакдошлардан беҳад мамнундирлар.

Дарҳақиқат, далаларни айланар эканмиз, қайси бир бўлим ёки бригадада бўлмайлик, совхоз партия ташкилоти секретарининг сўзлари ҳақлигига ишонч ҳосил қилдик. Нафас Сатторов етакчилик қилаётган бўлимда 460 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирилган. Бу ерда бўлим коллективига қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетининг биринчи курс студентлари яқиндан кўмаклашмоқдалар. Бу группага институт ўқитувчилари Пўлат Давлатов ҳамда Шокир Бозоровлар бош-қош. Группада 90 нафар студент бўлиб, улар томонидан ҳар куни 6—7 тонна пахта териляпти.

Шунингдек, хўжаликнинг Турғун Аҳмаджонов, Наргулла Мавлонов, Шокир Қамбаровлар етакчилик қилаётган бўлимларда ҳам ҳосилни тез ва соз йиғиштириб олишда студентлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Биз пахта штабининг бошлиғи, институт партия ташкилотининг секретари Мелдихон Елғандиевни далада учратдик. У институт коллективи ва студентларнинг пахта йиғим-теримида совхоз коллективига бераётган ёрдами ҳақида қуйидагиларни фахр билан таъкидлади:

— Бир неча кунларки, институтимиз талабалари етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишда совхоз меҳнаткашларига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Студентлар ўртасида социалистик мусобақа намунали ташкил этилган. Институт ўқитувчилари Владимир Козиков, Исақул Кенжаев, Ўғилой Эрбўтаевалар раҳбарлик қилаётган группалар студентлари мусобақада пешқадамлик қилишмоқда.

Меҳнатобод районидаги Ғанишер Юнусов номли совхоз ташкил топганига етти йил бўлди. Аммо шу вақт мобайнида қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари комплекс ривожлантирилмоқда. Ҳосилдорлик эса йилдан-йилга ортмоқда. Совхоз меҳнаткашлари юбилей йилида 8000 тонналик улкан маррани кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Совхоз маъмурияти студентларнинг юксак унум билан ишлашлари учун барча маданий-маиший шароитларни яратиб берган. Студентлар истиқомат қилаётган уй-жойлар, дала шийпонлари, телевизор ва радиоприёмниклар билан тўлиқ таъминланган.

Совхоз томонидан илғор студентлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб борилмоқда.

К. УБАЙДУЛЛАЕВ.

ҚОЛМА ЧЕТДА

Пахтазорда жавлон урмоқ марду майдонлар иши,
Халқига содиқ вафодор тоза виждонлар иши.

Терайлик дўстлар келинг, дамлар ғанимат, ўтмасин,
Пахта бойлиқ, термоқ уни барча инсонлар иши.

Маррадан ошсин план, аҳду виждон буйруғи,
Йил сайин дурни кўпайтмоқ уста деҳқонлар иши.

Шод боқиб олтинзорга, оламни ошоқ кўраман,
Меҳнатидан завқланиш кўнгли гулистонлар иши.

Техника илмни қаранг, деҳқонга бўлди қўшқанот,
Шу қанот бирла учиш, қизу ўғлонлар иши.

Қолма четда Деҳқоний, белни маҳкам боғлагин,
Кўп билан сафда бўлишким, қалби туғёнлар иши.

Тўхтамурод ДЕҲҚОНИЙ,
колхозчи.

Редактор И. СУЛАЙМОНОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ДУШАНБА

25 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Совдеп». Телевизион ҳужжатли фильм.
10.10 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Олтин боғичли туфли». 2-серия.
11.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
12.30 Янгиликлар

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Суздаль». Ҳужжатли фильм.
15.30 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади!»
16.15 «Оналар мактаби».
16.45 П. И. Чайковский. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 1-концерт.
17.25 «Стадион ҳамма учун».
17.55 «Мунозара клуби».
19.00 «Футбол шарҳи».
19.30 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «ЯГОНА ОИЛАДА». МОЛДАВИЯ ССР.
Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. К. Гроссу сўзи.
«Бирдамлик». Ҳужжатли фильм премьераси.
Санъат усталарининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Дўстларимиз чеҳраси».
22.50 «Дунё воқеалари».
23.05 Концерт.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Шимолий елка». Телевизион ҳужжатли фильм.
19.00 «Ватан солдати». Бадиий фильм.
20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Сиз бунга қодирсиз».
21.30 «Время».
22.05 Гнесинлар номли Давлат музыка-педагогика институти камер оркестрининг концерти.
22.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — АСК. 2- ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — Дзюдо қураши бўйича СССР чемпионати. Кишинёвдан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Чуй водийси», «Рекламация». Телефильмлар
12.30 География СССРнинг ўрмон саноати.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Тип лақабли чумоли». Мультфильм.
18.15 Болалар учун концерт.
18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Халқ жасорати саҳифалари» [рус.].
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.50 «Халқ контроли экрани».
20.20 «Бугун оламда нима гап». Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот»
20.50 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармониясининг солисти А. Орифжонов концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.25 «Оқ кема». Бадиий фильм.
00.05 Янгиликлар.

СЕШАНБА

26 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Қўрқма, мен сен билан». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серия.
12.10 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 «Дўстларимиз экрани». Социалистик мамлакатлар телевидениеларининг ҳужжатли фильмлари.
16.00 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ишчи эстафетаси».
16.50 «Драматургия ва театр». А. С. Грибоедов. «Ақллилик балоси».
17.35 «Ҳаёт мактаби». Телевизион очерк.
18.05 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар. МАСК — «Жальгирис». Вильнюсдан олиб кўрсатилади.
18.45 «Беш йиллик. Ишлар ва одамлар». «Подмосковьеда ҳовли тўплари». Кўрсатувда КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. И. Конотоп иштирок этади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Австрия тупроғида». Кинокўрсатув.
20.10 «Никколо Паганини». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. «Ленфильм» ва Болгария телевидениесининг маҳсулоти. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Солдат мемуарлари». 2-фильм. «...Улар орденларини тақиб юришлари мумкин эмас эди». Телевизион ҳужжатли фильм.
23.05 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». Рокуэлл Кент.
19.15 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Кўприклар». Бадиий фильм.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Физика. Иссиқлик двигателлари.
12.00 «Созлаш». Телефильм.
12.30 Ўзбек адабиёти. Уйғун — драматург.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Сепкилвой каникулда бувиснинкига боради». Мультфильм.
18.10 «Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида».
18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Узбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар.
19.10 «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта». «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасидан репортаж.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.50 «Куртат». Телефильм.
20.00 «Ёзувчилар пахтакорлар ҳақида».
20.30 «Ахборот».
20.55 Узбекистон телевиденеси ва радиоси ёш солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
22.25 «Салом, бу мен». Бадиий фильм. 1-серия.
23.30 Янгиликлар.

ЧОРШАНБА

27 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Буратино кўргазмаси».
10.10 «Никколо Паганини». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
11.30 «Киносаёҳатчилар клуби».
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Телевизион ҳужжатли фильмлар:
«Республикам куни» [Тошкент].
«Газ — Ачак» [Ашхобод].
«Қорақум капитанлари» [Ашхобод].
«Илҳом» [Тошкент].
16.20 «Мураббий». Телевизион журнал.
16.50 П. И. Чайковский номли VII Халқаро конкурс лауреати, пианиночи Мичио Кояма [Япония].
17.25 «Горнчилар, қаердасиз!»
18.10 «Петроград. Ун еттинчи йилнинг октябри...». Телевизион ҳужжатли фильм.
«Биз янги дунёни қурамиз».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Концерт.
19.50 «Жасорат». Узоқ Шарқ оқ гвардиячи ва интервентлардан озод қилинганлигининг 60 йиллигига.
20.20 «Никколо Паганини». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» [Минск] — «Динамо» [Киев]. Минскдан олиб кўрсатилади.
23.45 «Дунё воқеалари».
24.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Шахтёр» — «Спартак». 2-тайм. Донецкдан олиб кўрсатилади.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Салют, пионерия!». Болалар бадиий коллективларининг концерти.
19.30 «Давр ва ўзим ҳақимда». Телевизион ҳужжатли фильм.
20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Сенинг севимли шогирдларинг». Телевизион ҳужжатли фильм.
21.00 «Спорт ҳафталиги».
21.30 «Время».
22.00 «Чол ва шамол». Телевизион бадиий фильм премьераси.
23.45 Балет артистларининг концерти.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Физика. Товуш ҳодисалари.
12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз» [такрорий].
12.40 «Реакторга йўл». Телефильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Кулфат». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Қўғирчоқлар даврасида».
18.50 «Ораста кийинайлик».
19.10 «Тошкентда шундай кўча бор». Ҳужжатли фильм [«Узбектелефильм»].
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.50 «Ишчанлик руҳидаги даврада». Телетомошабинларнинг саволарига Узбекистон ССР социал таъминоти министри С. Султонова жавоб беради.
20.30 «Ахборот»
20.55 «Пахтакорлар, Сизлар учун». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Хирмонингизга барака».
22.20 «Салом, бу мен». Бадиий фильм. 2-серия.
23.25 Янгиликлар.

ПАЙШАНБА

28 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Горнчилар, қаердасиз!»
10.25 «Никколо Паганини». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
11.30 Калуга касаба союзлари рус халқ хорининг концерти.
11.50 Ишлаб чиқариш гимнастикаси.
12.20 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беларусьфильм» киностудиясининг спорт ҳақидаги ҳужжатли фильмлари.
15.40 «Бил ва уддала».
16.25 А. Толстой. Асарлари саҳифаларида.
17.10 Шахмат мактаби. Разрядлилар синфи.
17.40 «Орлёнок» телестудиясининг концерт залы.
18.25 «Комсомолчасига, зарбдорчасига». ВЛКСМ XIX съезди номли Бутунитттифоқ отрядининг Тюмень қурилишларидаги иши ҳақида.
18.45 «Миллионлар ленинча университети».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан оламида». Тарту университетининг 350 йиллигига. Кўрсатувда Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Г. Вайно иштирок этади.
20.20 «Никколо Паганини». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Ижодхонадаги учрашувлар». Телевизион ҳужжатли фильм.
22.35 «Дунё воқеалари».
22.50 Кубань Давлат казаклар хорининг концерти.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Юлька». Бадиий фильм.
20.00 СССР халқ артисти О. Бардина иштирокида фильм-концерт.
20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Усмирлар олами».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» [Москва] — «Динамо» [Тбилиси]. «Торпедо» стадионидан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 Узбекистон ССР тарихи. Узбекистон урушдан кейинги тикланиш ва халқ хўжалигини ривожлантириш йилларида [рус.].
12.00 Болалар учун. «Фонарик» [такрорий].
12.30 Ўзбекистон ССР тарихи. Узбекистон урушдан кейинги тикланиш ва халқ хўжалигини ривожлантириш йилларида.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун мультфильм.
18.20 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ҳужжатли кино экрани».
19.00 «Фан уфқлари» [рус.].
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.50 «Икарлар». Ҳужжатли фильм [«Узбектелефильм»].
20.00 «Шеърият дафтаридан». А. Орипов
20.30 «Ахборот»
20.55 И. Малаков, Ф. Баратова, Х. Умарова, Х. Султонов ижросида ўзбек халқ қўшиқлари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап!» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Баҳс». Ахлоқий-этик мавзуда кўрсатув.
23.20 Янгиликлар.

ЖУМА

29 ОКТЯБРЬ
КОМСОМОЛ ТУҒИЛГАН КУН

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мактаб ўқувчиларининг Ленин мукофоти лауреати, СССР Геология министрининг ўринбосари В. А. Ярмолюк билан учрашуви.
10.25 «Никколо Паганини». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
11.35 Приморье ўлкаси, Сахалин ва Камчатка областлари бадиий коллективларининг чиқиши.
12.00 «Мен — ўниничи». Ўт ўчирувчилик касби ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Комсомол туғилган кунга бағишланган ҳужжатли фильмлар.
16.30 «Рус тили».
17.00 «Москва комсомолининг ишлари».
17.30 «Усмирлар ижоди».
18.00 «Инсон — ер хўжайини».
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Комсомол — ёшлигим менинг». Концерт.
19.55 «Ҳамдўстлик». Телевизион журнал.
20.20 «Никколо Паганини». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Ҳужжатли экран».
23.30 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1975 йил».
19.55 Н. Некрасов. «Рус аёллари».
20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Хатларингиз асосида». Музикали программа.
21.30 «Время».
22.05 «Зацепинлар оиласи». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серия.
00.20 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Крылья Советов». 3-давр. «Крылья Советов» Спорт саройидан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

11.25 Кўрсатувлар программаси.
11.30 «Дўст бошга иш тушганда билинади». Кўғирчоқ фильм.
11.50 «Болалигим гулбаҳор» [такрорий].
12.30 Жамиятшунослик. Давлатнинг пайдо бўлиши ва моҳияти.
13.00 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак» [рус.].

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Комсомол — ёшлигим менинг». Комсомол туғилган кунга бағишланган кўрсатув.
19.00 «Партия турмуши». Республика бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайловлар йиғилишлари якунларига доир.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.50 «Нақшлар». Ҳужжатли фильм [«Узбектелефильм»].
20.00 «Дунё воқеалари».
20.30 «Ахборот».
20.55 Узбекистон телевиденеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.20 «Кўнгиллилар». Бадиий фильм [рус.].
23.50 Янгиликлар

ШАНБА

30 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «АБВГДейка».
10.10 «Ота-оналар, Сизлар учун».
10.40 «Сизни қизиқтирган адабиётлар».
11.25 «Спортлото»нинг 44-тиражи.
11.35 «Никколо Паганини». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
12.45 «Комсомольская правда» газетасининг совғини учун ГТО комплекси кўп кураши бўйича СССР чемпионати ва биринчилиги. Ленинграддан олиб кўрсатилади.
13.25 «Марио дель Монако билан учрашув».
13.55 «Инсон. Ер. Коинот».
14.40 «Халқ ижоди». Телевизион кўрсатув.
15.25 «Дунё воқеалари».
15.40 «Комила». Телевизион бадиий фильм. 1-серия [«Узбекфильм»].
16.45 «Ҳайвонот оламида».
17.45 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати.
18.15 «Берёзка» Давлат академик хореографик ансамблининг концерти.
19.00 «9-студия». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. С. Зорин олиб боради.
20.00 «1982 йил қўшиқлари». Красноярскдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Динамо» [Москва] — «Спартак». 2- ва 3-даврлар. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида [22.40] — «Агар соғлом бўлай десанг».
23.25 «Севгимиз дарёси». Десна ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.
23.55 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.25 «Зацепинлар оиласи». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серия.
11.40 «Тонгги почта». Музикали программа.
12.10 «Киносаёҳатчилар клуби».
13.10 «Жаноби депутат». Телевизион бадиий фильм премьераси. [Венгрия].
14.10 «Музикали киоск».
14.40 Велоспорт бўйича СССР кубоги. Трекда пойгалар. «Крилатское» спорт комплексидан олиб кўрсатилади.

*

15.10 МОЛДАВИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

«Гуллаб-яшнаётган боғлар ўлкаси». Киноочерк.
«Ветрилэ оиласи». Ҳужжатли фильм премьераси.
«Рассом И. Виеру».
«Фольклор» ансамблининг чиқиши.

*

17.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Черноморец» — «Спартак». Одессадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида [17.45] — Халқаро обзор.
18.45 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
19.30 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1976 йил».
20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси.
21.30 «Время».
22.05 «Инспектор Гул». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серия.
00.25 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» [Киев] — «Динамо» [Москва]. 2-тайм. Киевдан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 Телевизион миниатюралар театри.
10.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
11.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби».
12.10 «Кинородакция почтасидан».
13.00 «Жанговар постда».
13.30 «Йўл азоби». Бадиий фильм.

* * *

16.55 Кўрсатувлар программаси.
17.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевиденеларининг бирғаликдаги программаси.
18.00 «Тонгги қушиқ». «Бир том остида». Мультфильмлар.
18.30 Болалар учун. «Бойчечак».
19.00 «Орзу». Фильм-концерт.
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.50 «Бебенисида куз». Телефильм.
20.00 Узбекистон ССР Рассомлар союзи кўргазма залидан репортаж.
20.30 «Ахборот».
20.55 А. Н. Островский номли Тошкент театр-рассомчилик институти студентларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.35 «Оқ бўрилар». Бадиий фильм.
24.00 Кўрсатувлар программаси.

ЯКШАНБА

31 ОКТЯБРЬ
АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Духовой оркестр чалади». Телевизион кўрик-конкурс. Владивостокдан олиб кўрсатилади.
10.20 «Будильник».
10.50 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».
11.50 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси.
12.35 «Тонгги почта» музикали программаси.
13.05 Киножурнал.
13.15 «Қишлоқ янгиликлари».
14.15 «Музикали киоск».
14.45 «Киносаёҳатчилар клуби».
15.45 «Комила». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
16.55 «Бугун — Автомобиль транспорти ходимлари куни». Тапабларингизга биноан учрашувлар.
18.30 «Халқаро панорама».
19.15 Мультфильм.
19.30 «Совет киноси усталари».
21.30 «Время».
22.05 «Москва кузи» совет музикаси фестивали. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.
23.20 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!».
9.20 «Инспектор Гул». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-серия.
11.40 Автомобиль транспорти ходимлари кунига бағишланган телевизион ҳужжатли фильмлар:
«Машаққатли километрлар» [Тошкент].
«Чукотканинг қорли йўллари» [«Экран»].
12.15 І. Боровик. «Буэнос-Айресдаги интервью». В. Маяковский номли Москва академик театрининг фильм-спектакли.
14.40 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
15.10 Чечен-Ингушистон АССР санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти.
16.20 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
17.20 «Юрканинг тонглари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
18.25 Ҳужжатли фильм.
18.55 Бадиий гимнастика бўйича Европа чемпионати. Норвегиядан олиб кўрсатилади.
19.25 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». «1977 йил».
20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Қўйлардан қўйларга». Кинокўрсатув [ЧССР].
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» [Москва] — «Нефтчи». «Торпедо» стадионидан олиб кўрсатилади.

● УзТВ I

9.55 Кўрсатувлар программаси.
10.00 Янгиликлар.
10.10 Спорт программаси. 1. Умид кубоги учун қиличбозлик бўйича Бутунитттифоқ турнири. 2. «Узбекистон спорти» [рус.].
11.10 «Уткир шохли хўкизча». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
12.10 «Қувноқ стартлар».
13.10 «Анатолий Папанов билан учрашув». Фильм-портрет [рус.].
14.45 Реклама.

* * *

17.45 Кўрсатувлар программаси.
17.50 «Кичик сеҳргарлар». Болалар циркининг чиқиши.
18.30 «Бугун — Автомобиль транспорти ходимлари куни» [рус.].
19.00 «Тошкентнинг 2000 йиллигига».
19.30 «Ахборот» [рус.].
19.50 Телевизион миниатюралар театри.
20.30 «Ахборот».
20.55 М. Турғунбоева номли хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» рақс ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Онтарио сохилларида бўлган воқеа». Бадиий фильм.
23.40 Кўрсатувлар программаси.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ СИРТҚИ ТАЪЛИМНИНГ 1 ВА ЮҚОРИ КУРСЛАРИГА қўйидаги ихтисослар бўйича

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

агрохимия ва тупроқшунослик, агрономия, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликлар ҳимояси, ипакчилик, зоотехния, ўрмон хўжалиги, қишлоқ хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолияти таҳлили.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИНИНГ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИГА:

агрономия, зоотехния, қишлоқ хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолияти таҳлили.

Институт ва филиали: агрохимик-тупроқшуносларга, олим агрономлар, мева-сабзавотчи ва узумчилар, ўсимликлар ҳимояси бўйича агрономлар, ипакчилар, кенг профилдаги зооинженерлар, ўрмон хўжалиги инженерлари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши экономист-ташкилотчилари, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби бўйича экономистларни тайёрлайди.

Сиртқи таълимга тугалланган ўрта маълумоти бор, қишлоқ хўжалиги соҳаларида, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган корхоналар ва ташкилотларда ишлаётган кишилар ёши чекланмаган ҳолда қабул қилинадилар.

Ўқишга кирувчилар аризани институт ректори номига ёзадилар:

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), иш жойидан характеристика-тавсиянома, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (ишлаётганлар учун), медицина справкаси (286-форма), 3х4 см. ҳажмли 4 та фотосурат (бош кийимсиз), паспорт ва ҳарбий билет (қайд этилганлик гувоҳномаси) шахсан кўрсатилади.

Институтга кирувчилар ихтисослар бўйича қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонларини топширадилар: агрохимия ва тупроқшунослик, агрономия, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликлар ҳимояси, ипакчилик, зоотехниклик ихтисослари учун: ХИМИЯ (оғзаки), ФИЗИКА (оғзаки), БИОЛОГИЯ (оғзаки), РУС ТИЛИ ЁКИ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ (ёзма);

қишлоқ хўжалиги экономикаси ва уни ташкил қилиш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолияти таҳлили ихтисослари бўйича; МАТЕМАТИКА (оғзаки), ГЕОГРАФИЯ (оғзаки), БИОЛОГИЯ (оғзаки), РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ (ёзма). — Ўрмон хўжалиги ихтисоси бўйича — МАТЕМАТИКА (оғзаки), ХИМИЯ (оғзаки), ФИЗИКА (оғзаки), РУС ТИЛИ ЁКИ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ (ёзма).

ҲУЖЖАТЛАР 1 НОЯБРДАН 15 ЯНВАРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонларя 16 январдан 15 февралгача ўтказилади.

Ўқиш муддати — 6 йил (бухгалтерия ҳисоби ихтисослигида 5 йил).

Кириш имтиҳонларида ижобий баҳолар олинганда қуйидаги кишлар конкурссиз қабул қилинадилар: узоқ муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари; ҳакиқий хизматдан бўшаб келган ва институтнинг зоотехниклик, ўрмон хўжалиги, қишлоқ хўжалиги экономикаси ва уни ташкил қилиш ихтисослигига юборилганлар; ихтиро муаллифлари ва республикада хизмат кўрсатган рационализаторлар; техника билим юртларини битириб аъло баҳолар билан диплом олганлар ва турдош ихтисос бўйича олий ўқув юртига кираётганлар; қишлоқ хўжалиги ўрта махсус ўқув юртларини битирганлар ва иш профили бўйича ўқиш учун колхозлар ва совхозлар ҳамда бошқа давлат қишлоқ хўжалиги корхоналарининг йўллаламаларини олганлар.

Сиртқи бўлимга кирувчиларга кириш имтиҳонларини топшириш учун иш жойидан ўз ҳисобидан 15 календарь кун ҳажмида (институтга бориш ва қайтиб келиш учун кетган вақти ҳисобланмаган ҳолда) қўшимча отпуска берилади.

Институтга кириш тўғрисидаги ариза қуйидаги адресга юборилади: 700183. Тошкент шаҳри. 183-алока бўлими, Тошкент Қишлоқ хўжалик институти.

712000, Фарғона шаҳри, Озарбайжон кўчаси, 2«а»-уй,

ПАХТА ТЕРИМЧИЛАРИНИНГ ВАҚТИНЧА ЯШАШ ЖОЙЛАРИДА ЕНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ЭСЛАТМА

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишингизни сўраймиз:

Дам олиш хоналарида қуйидагилар таъқиқланади:
— муваққат ва носоз электр симларидан фойдаланиш;
— электр лампочкаларини қоғоз ёки газмол билан ёпиш;
— электр симларига кийим ёки газмол осиш;
— хонада чекиш;
— хоналарда тез алангаланувчи ва ёнилғи суюқликларини сақлаш;
— хоналарни иситиш ва овқат тайёрлаш мақсадида электр ситгич асбобларидан фойдаланиш;
— хоналарни ёритиш учун шам, чақмоқтош ва гугуртдан фойдаланиш;
— ишлаб турган радиоприёмникларга ва телевизорларни назоратсиз қолдириш;
— печларни тез алангаланувчи ва ёнилғи суюқликлари билан қалаш;
— печлардан 1 метрдан яқин масофада кроватларни ўрнатиш, кийимларни қуритиш ва ёнилғи материалларини сақлаш;
— ёниб турган печлар ва ўчоқларни назоратсиз қолдириш;
ёнғин чиққан ҳолда қуйидагиларни амалга ошириш зарур:
— дарҳол ўт ўчирувчиларга телефон орқали ёки бошқа воситалар билан хабар қилиш ва айни вақтда яшовчиларнинг барини тўплаш;
— мавжуд воситалар билан ўт ўчириш тадбирларини кўриш.
Ўт ўчириш воситалари:
— ўт ўчириш шитларини огнетушителлар, челаклар, белкураклар, болталар ва ломлар билан жиҳозланг;
— ҳажми камида 200 литр бўлган бочкаларни сув билан тўлдириб қўйинг;
— ёнғин чиққан ҳолда теримчиларни хабардор қилиш мақсадида металл рельс ёки трубанинг бир парчасини осиб қўйинг.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ ЕНГИНДАН САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРИШ ЖАМИЯТИ.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
1982 ЙИЛ 26—27 ОКТЯБРДА
ЎЗБЕКИСТОН ССР 1982 ИЛ ПУЛ-БУЮМ ЮТУҚЛАРИ ЛОТЕРЕЯСИНИНГ 5-ЧИҚАРИЛИШИ БЎЙИЧА

ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ ЎТКАЗИЛАДИ

Тиражда лотереянинг 5 разряди бўйича жами 990 минг сўм бўлган 328.000 та ютуқ ўйналди.

Тиражда 5 та «МОСКВИЧ» автомобили, 20 та «ЖИГУЛИ» автомобили, 10 та «ЗАПОРОЖЕЦ» автомобили, 60 та «УРАЛ» кажавали мотоцикли ва катта миқдорда гиламлар ва бошқа қимматли буюмлар ўйналади.

ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИНГИЗ!
ЮТУҚЛАР ТИРАЖИДА ҚАТНАШИНГИЗ!
СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БОШ БОШҚАРМАСИ

«ҚИШЛОК ҲАКИКАТИ»
«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ТОШКЕНТ—П, ЛЕНИН КЎЧАСИ, 41*

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўрин босарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-54-33, 32-54-42. Масъул секретари — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-54-48, 32-56-25. Партия турмуши бўлими — 32-56-34, 32-56-22. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52, 32-56-39. Таржима бўлимлари — 32-33-81-42. 56-37, 32-54-54. Сатира ва юмор бўлими — 32-54-52. Иллюстрация бўлими — 32-56-27, 32-58-83. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг чавбатчиси — 33-90-50.

Р—07441. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босма хонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64543. А. 1145. 12